

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 10 кунда жиноят ишлари бўйича Нуробод туман суди суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Хасанов, девонхона мудирини Ю.Амировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Нуробод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Эшонкулов, судланувчи Х.Д.Б ва унинг ҳимоячиси Самарқанд вилояти Нарпай тумани “LOCHIN NI MOYA NAN” адвокатлик бюроси адвокати А.Ниёзмуродовнинг иштирокида, Х.Д.Бга нисбатан бўлган 1-1410-2501/183-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Х.Д.Б (Х.Д.Б), йил 27 апрель куни туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумот ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, ишсиз, тумани, “ ” маҳалла фуқаролар йиғини, “ ” қишлоғи, 107-уйда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 21 август куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзи тингланиб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Х.Д.Б, Россия Федерациясида ишлаб келиши давомида бирор жойда фойдали меҳнат билан шуғулланмай диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб тарғиб қилиш мақсадида ўзига тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли уяли алоқа воситасидан +7-950-221-80-53 ва +7-981-197-55-67 рақамлари орқали интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Telegram” месенджерига уланиб “**Islom. tarixi\_571**” номли гуруҳ ташкил қилиб, 2025 йил 24 январь кунидан то 23 май кунига Интернет жаҳон ахборот тармоқлари орқали “Аллоҳ инсонга битта ажал бергани, инсон шараф билан ўлса бу одамни Аллоҳ хафа қилмаслиги, ҳозирги кунда шаҳидликка тайёр бўлган қалб эгалари, мусулмон одамни ҳамма амали учун ҳужжат тайёр экани, шаҳидликка тайёр бўлган умматга бугунги кунда энг қулай фурсат экани, Аллоҳни рози қилиш керак экани, бугунги кунда динни қизғониб, бу дунёда ғариб бўлганлари, бу дунё ўтиб бораётгани, Аллоҳ учун жанга чиққанликлари ва жангда Аллоҳ қўллаши, куфр бўлса олам ёниши, зулумни тўфон босишлиги” ҳақидаги



фикрлар келтириб ўтилган маърузаларни Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги “Kamol jura”, “Javohir jura”, “Абу толиб” ва бошқа профилларга юборганлиги, Нарпай туман ички ишлар бўлими Тезкор қидирув хизмати Терроризмга қарши курашиш бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати Нарпай туман бўлими ходимлари томонидан ҳамкорликда 13.05.2025 йилда ўтказилган тезкор техник тадбирлари давомида аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 26 май кунги №ДН-023-сонли экспертиза хулосасида, фуқаро Д.Холмуродовнинг “Telegram” мессенжеридаги “Islom. tarixi\_571” номли Телеграм каналдан олинган “Ўзбекистон Ислом Ҳаракати” террорчилик ташкилотининг “Jundulloh” медиа гуруҳи томонидан тайёрланган номаълум шахсларнинг маърузаларида келтириб ўтилган маълумотлар диний ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилувчи материаллар борлиги ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатилиши тақиқланганлиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи Х.Д.Б ўзининг кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2023 йил 03 август куни ишлаш мақсадида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига борганлиги, у Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида “Зафар” исмли таниши билан бирга “Яндекс еда” номли овқат етказиб бериш хизматида ишлаба келиб, 2025 йил ноябрь ойида онасини Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига чақириб олганлиги, онаси у билан бирга ишламасдан қариндошлари билан бирга ишлаганлиги, унинг қариндошлари Россия Федерациясида бўлганликлари сабабли улардан иш қидириб топишда амалий ёрдам сўраганлиги, қариндошлари унга Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган ишчлаб чиқариш цехидан иш топиб беришганлиги, мазкур цехда улар сумкаларнинг тасмаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланлиги, у Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган ишлаб чиқариш цехида ишлаб юриши давомида, Туркманистонлик “Азиз” ва “Икром” исмли шахслар билан танишганлиги ва улар билан биргаликда уларнинг кўчма уйи (вагон)да яшаб келиб, “Азиз” ва “Икром” исмли шахслар билан яшаши давомида улар намоз ўқиши ва Ижтимоий тармоқлар орқали турли диний мазмундаги маърузаларни эшитишларини гувоҳи бўлганлиги, у шу вақтлари намоз ўқишни билмаслиги бироқ, хонадошлари “Азиз” ва “Икром” исмли шахсларнинг намоз амалларини бажаришларини кўриб унда ҳам намоз амалларини бажаришга бўлган қизиқиш пайдо бўлганлиги, шундан сўнг, у улардан унга ҳам намоз амалларини ўргатишларини илтимос қилганлиги, улар унинг илтимосимга рози бўлишиб ўзлари билан бирга намоз амалларини ўқишни ўргата бошлаганлиги, у улар билан бирга жамоат бўлиб намоз амалларини ўрганиб, 2024 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бошлаб у намоз ўқишни бошлаганлиги, шу билан бирга, Интернет ижтимоий тармоқлари орқали диний мазмундаги маърузалар тинглашни бошлаганлиги, в одатда Интернет ижтимоий тармоқлари “You tube”, “Telegram” ва “stagram” платформаларидан фойдаланганлиги, у “You tube”



платформасида одатда “Абдуллоҳ домла”, “Абдували қори” ва бошқа исмлари унга нотаниш бўлган шахсларнинг диний мазмундаги аудио ва видео марузаларини тинглаб юрганлиги, узига ёққан диний мазмундаги аудио ва видео маърузаларни ўзининг уяли алоқа воситасига юклаб олишлиги, шундан сўнг, 2025 йилнинг 24 январь куни ўзига тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли уяли алоқа воситаси орқали “Telegram” мессенжеридида, шу вақтда фойдаланувида бўлган +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профилга “Islom. tarixi\_571” номли “Telegram” гуруҳни яратганлиги, у мазкур “Islom. tarixi\_571” номли “Telegram” гуруҳини яратишидан мақсад, обуначилари сонини орттириб, бу орқали келгусида катта аудитория орқали давлат раҳбарига мурожаат қилиб, мактабларда диний мавзулардаги фанлар ўқитилиши ҳамда болалар масжидларга чиқишлари юзасидан иштимос қилиб, амалдаги қонунларни ўзгартириш бўлганлиги, шунинг учун мазкур “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳига ўзининг контактларидаги танишлари ва унга таниш бўлмаган шахсларни аъзо қилганлиги, унинг “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳида жами 46 нафар аъзолари бўлганлиги, у ушбу “Телеграм” мессенжеридидаги “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳи фаолият юритиши учун гуруҳга турли диний мазмундаги материалларни мунтазам равишда тарқатиб келганлиги, у Россия Федерациясида ишлаб зерикиб қолганлиги шундан сўнг, 2025 йилнинг 27 февраль куни “Санкт-Петербург-Бухоро” авиайўналиши орқали Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, у Ўзбекистонга қайтиб келган вақтида унинг “**Islom. tarixi\_571**” номли гуруҳи ва ундаги диний мазмундаги материаллар ўзига тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли уяли алоқа воситасида “Telegram” мессенжеридида бўлганлиги, у қишлоққа келганидан сўнг, мавсумий ишлар билан шуғулланиб юрганлиги, 2025 йилнинг 13 май куни Нарпай тумани ИИБ ходимлари унинг олдига келишиб узок муддатга чет-элга чиқиб кетган шахслар билан суҳбат ўтказиб юришганликларини айтиб у билан ҳам сўров суҳбатини ўтказишликларини билдириб, Нарпай туман ИИБ биносига олиб боришганлиги, шундан сўнг, унга тегишли бўлган уяли алоқа воситаси ва ундаги + 7-981-197-55-67 абонент рақами ва +7-950-221-80-53 абонент рақамларига расмийлаштирилган Интернет халқаро ижтимоий тармоғидидаги “Telegram”, мессенжерини мутахассис ва холислар иштирокида кўздан кечиришганлиги, кўздан кечирилган мазкур бир дона “Infinix GT 20” русумли уяли алоқа воқитасини тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олиб, қоғоз пакетга солишганлиги, ИИБ ходимлари томонидан аниқланган диний мазмундаги аудиони тақиқланган эканлигини билмаганлиги, ҳозирги кунда қилган ишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлиги, онаси ёлғиз эканлигини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчининг айби, ўзининг айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувида ташқари, қуйидаги суд мажлисида текширилган далиллар билан, яъни;

Судда сўралган гувоҳ Хамраев Достон Мурод ўғлининг, 2025 йил 13 май куни унга ИИБ ходимлари деб таништирган ходимлар келиб ундан



бир ишда мутахассис бўлиб иштирок этишини сўрашганлиги ва у бунга рози бўлганлиги, шундан сўнг Нарпай туман ИИБ биносида у ва яна икки нафар холис иштирокида Холмуродов Диёрбек Боймурод ўғлига тегишли бўлган бир дона кўк рангли “Infinix GT 20” русумли уяли қўл телефон аппаратидаги +7-981-197-55-67 абонент рақами, +7-950-221-80-53 абонент рақами, +99-895-134-65-55 абонент рақамларига расмийлаштирилган интернет халқаро ижтимоий тармоғидаги “Telegram” мессенжеридаги профиллари кўздан кечирилганлиги, кўздан кечириш давомида фуқаро Холмуродов Диёрбек Боймурод ўғлига тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли уяли қўл телефон аппаратида “Telegram”, “Instagram”, “Google”, “You Tube” ва бошқа илова мавжуд бўлиб Телеграм мессенжерига кирилганда, у ерда 3 та профил мавжудлиги, улардан +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профилга кирилганда мазкур профилда бир нечта канал, гуруҳ, профил контактлари ушбу гуруҳларда 46 та аъзоси бўлган “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳ мавжудлиги, мазкур гуруҳга кирилганда, “Islom. tarixi\_571” канали жорий йилнинг 24 январ куни ташкил қилинганлиги маълум бўлганлиги, шундан сўнг, “Islom. tarixi\_571”га кирилиб, унда тарқатилган материаллар ўрганилганда, - 2025 йилнинг 25 январ куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган “Мана уша сиз излаган Маруза ТАВФИҚ ТВ” номли давомийлиги 34:44 сониядан иборат бўлган, 2025 йилнинг 29 январь кунидаги “Абдували қори”нинг давомийлиги 00:24 сониядан иборат диний мазмундаги диний мазкундаги видеосини юборганлиги; 2025 йилнинг 31 январь куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган “СИЗ ИЗЛАГАН НАШИДА ИСЛОМ УЗ” номли давомийлиги 5:08 сониядан иборат бўлган нашидани; - 2025 йилнинг 15 феврал куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган “Ўзбекча нашида” номли давомийлиги 6:23 сониядан иборат бўлган нашидани; Шунингдек, кўздан кечириш давомида, фуқаро Д.Холмуродовнинг “Телеграм” мессенжеридаги 2-профилига кирилганда, мазкур профил Россия алоқа компанияларининг +7-981-197-55-67 абонент рақамига расмийлаштирилганлиги, ушбу профил кўздан кечирилганда канал, гуруҳ ва профиллар мавжуд бўлиб контактлари ушбу гуруҳларда ҳам юқоридаги каби 46 та аъзоси бўлган “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳ мавжудлиги аниқланганлиги, Д.Холмуродовнинг телефон аппаратини кўздан кечириш давомида, “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳ унинг +7-950-221-80-53 абонент рақамдаги профил орқали яратилганлиги ҳамда мазкур рақамдаги профил гуруҳнинг “админстратори” эканлиги маълум бўлганлиги, -2025 йилнинг 15 феврал куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган “Ўзбекча нашида” номли давомийлиги 6:23 сониядан иборат бўлган нашидани; - 2025 йилнинг 31 январь куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган “СИЗ ИЗЛАГАН НАШИДА ИСЛОМ УЗ” номли давомийлиги 5:08 сониядан иборат бўлган нашидани; - 2025 йилнинг 25 январ куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган ана уша сиз излаган Маруза ТАВФИҚ ТВ” номли давомийлиги 34:44



сониядан иборат бўлган маърузани тарқатиб келганлиги аниқланганлиги, фуқаро Холмуродов Диёрбек Боймурод ўғлига тегишли бўлган бир дона қора рангли “Infinix GT 20” русумли уяли қўл телефон аппаратидаги +7-981-197-55-67 абонент рақами, +7-950-221-80-53 абонент рақамларига расмийлаштирилган интернет халқаро ижтимоий тармоғидаги “Telegram”, мессенжердаги профилидан олинган 3 дона нашида ва маърузалар мутахассис иштирокида “Асус” номли ноутбук ёрдамида 1 дона DVD дискга юклаб олиниб алохида конвертга солиниб муҳрланганлиги, шунингдек кўздан кечирилган мазкур бир дона “Infinix GT 20” русумли уяли телефон аппарати алохида конвертга солиниб муҳрланганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Бўриев Нурбек Эркиновичнинг, 2025 йил 13 май куни менга ИИБ ходимлари деб таништирган ходимлар келиб мендан бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлиги ва у бунга рози бўлганлиги, Нарпай туман ИИБ биносида у, мутахассис ва яна бир нафар холис иштирокида фуқаро Холмуродов Диёрбек Боймурод ўғлига тегишли бўлган бир дона кўк рангли “Infinix GT 20” русумли уяли қўл телефон аппаратидаги +7-981-197-55-67 абонент рақами, +7-950-221-80-53 абонент рақами, +99-895-134-65-55 абонент рақамларига расмийлаштирилган интернет халқаро ижтимоий тармоғидаги “Telegram” мессенжеридagi профиллари кўздан кечирилганлиги, Холмуродов Диёрбек Боймурод ўғлига тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли уяли қўл телефон аппаратида “Telegram”, “Instagram”, “Google”, “You Tube” ва бошқа илова мавжуд бўлиб Телеграм мессенжерига кирилганда, у ерда 3 та профил мавжудлиги, улардан +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профилга кирилганда мазкур профилда бир нечта канал, гуруҳ, профил контактлари ушбу гуруҳларда 46 та аъзоси бўлган “Islom. tarixi\_571” номли гуруҳ мавжудлиги, мазкур гуруҳга кирилганда, “Islom. tarixi\_571” канали жорий йилнинг 24 январ куни ташкил қилинганлиги маълум бўлганлиги, шундан сўнг, “Islom. tarixi\_571”ga кирилиб, унда тарқатилган материаллар ўрганилганда, - 2025 йилнинг 25 январ куни +7-950-221-80-53 абонент рақамига очилган профил томонидан ташланган ҳар-хил турдаги диний мазмундаги материаллар мавжудлиги аниқланганлиги, Холмуродов Диёрбек Боймурод ўғлига тегишли бўлган бир дона қора рангли “Infinix GT 20” русумли уяли қўл телефон аппаратидаги +7-981-197-55-67 абонент рақами, +7-950-221-80-53 абонент рақамларига расмийлаштирилган интернет халқаро ижтимоий тармоғидаги “Telegram”, мессенжердаги профилидан олинган 3 дона нашида ва маърузалар мутахассис иштирокида “Асус” номли ноутбук ёрдамида 1 дона DVD дискга юклаб олиниб алохида конвертга солиниб муҳрланганлиги, шунингдек кўздан кечирилган мазкур бир дона “Infinix GT 20” русумли уяли телефон аппарати алохида конвертга солиниб муҳрланганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, судланувчи Х.Д.Бнинг айби жиноят иши ҳужжатлари, яъни дастлабки терговда берган кўрсатмаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ У.Акмалованинг кўрсатмалари, шунингдек, нарсани олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, телефон аппаратини кўздан кечириш



баённомаси, экспертиза хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлари ва сўроқ қилиш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир-қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи Х.Д.Бнинг диний экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Х.Д.Бнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг қилмишидан пушаймондалигини, айбига тўлиқ иқрорлиги, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида қайд этилган қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Х.Д.Бга жазо тури ва миқдорини белгилашда, уни содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан биргаликда, уни шахсини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймондалигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам судланмаганлиги ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” лиги борасидаги нормаларга амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда юқоридаги ҳолатлар у томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, у яшаётган маҳалла фаоллари берган кафолатларидан келиб чиқиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, озодликдан чеклаш жазосини ўташ тартибини белгилашликни, муайян вақтда яшаш жойидан чиқишни чеклашни, қўшимча равишда жиноятни интернетдан алоқа тизими орқали қилган ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, интернетдан фойдаланмаслик, яшаш жойини ўзгартирмаслик ва муайян ҳудуддан чиқмаслик чекловини қўллашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона “DVD” дискларни жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни ҳамда Х Самарқанд вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш хонасида



вақтинча сақланаётган судланувчи Х.Д.Бга тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли телефон аппарати йўқ қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар Вазирлиги зиммасига, судланувчи Х.Д.Б томонидан фойдаланилган Telegram месенджердаги “**Islom. tarixi\_571**” номли гуруҳини блоклашни юклатилтишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 461, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Х.Д.Б (Х.Д.Б), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Х.Д.Бни Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини “Нишоваддин” қишлоғи, 107-уйдаги яшаш жойини эрталаб иш жойигача бориши ва кечки пайт уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда тарк этиш тақиқлансин.

Х.Д.Бга қуйидаги қўшимча чеклашлар юклатилсин:

-интернетдан фойдаланмаслик;

-Нарпай туман ИИО Пробация бўлинмасининг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик,

-Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Х.Д.Б устидан назорат қилиш вазифаси Нарпай туман ИИО Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Х.Д.Бнинг жазони ўташ муддати Нарпай туман ИИО Пробация бўлинмасида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, Х.Д.Бга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар Вазирлиги зиммасига, судланувчи Х.Д.Б томонидан фойдаланилган Telegram месенджердаги “**Islom. tarixi\_571**” номли гуруҳини блоклаш юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш хонасида вақтинча сақланаётган судланувчи Х.Д.Бга тегишли бўлган “Infinix GT 20” русумли уяли телефон аппарати тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона “DVD” дискларни жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчига ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида



шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ёхуд ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи, судья:**

**Ш.Хасанов**

